# ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

## ЧОРВА ҚИШЛОВИ— ЖИДДИЙ СИНОВ!

✦ ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ ВА ФЕРМА ХОДИМЛАРИ! ШУ АЁЗЛИ КУНЛАРДА ҲАМ ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ЯХШИ АСРАБ, СИФАТЛИ, МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАЙЛИК. ОЗУҚА РАЦИОНИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

✦ ҲАР БИР ҚЎЙ, ТЎҚЛИ ЭЪТИБОРГА БЎЛСИН, АЙНИҚСА СОВЛИҚЛАРНИ ЭҲТИЁТЛАЙЛИК. УЛАР КУЧАЙТИРИЛГАН РАЦИОН АСОСИДА ОЗИҚЛАНТИРИЛСИН!

✦ МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА САВДО ХОДИМЛАРИ! ЯЙЛОВЛАРДА ВА ФЕРМАЛАРДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЧОРВА ЖОНКУЯРЛАРИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЙЛИК!



Жиззах области. Зомин районидаги «Зомин» совхози чорвадорлари шу аёзли кунларда фидокорона меҳнат қилишяпти. Сут соғувчилар, молбоқарлар ўзаро мусобақа боғлашган. Меҳнат беллашувида ёш чорвадор Бувинор Йўлдошева ғолиблик қиляпти. У ўз боқимидаги 26 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини бажариш арафасида. Суратда: «оқ чашма» соҳибаси Бувинор Йўлдошева.

Ж. Тўраев фотоси.

## БАЙРОҚДОР ХЎЖАЛИКЛАРДА

*Чўл лавҳалари*

## ҚИШЛОВНИНГ БИР КУНИ

Туни билан қор ёғиб чиқди. Яйловлар оппоқ момиқ кўрпа тагида қолди. Изғирин кучайиб кўз очирмай қўйди. Чалабой ака туни билан уй ва қўра ўртасида танда қўйиб қаттиқ ҳориган экан. Мелиқулга қўйлардан хабар олиб туришни тайинлаб, ўзи кўрпачага омонатгина чўзилди. Аммо ҳали кўзи илинганича ҳам йўқ эди — ташқарида машинанинг гуриллаган овозидан уйқуси ўчиб кетди. Сўнг кимнингдир Мелиқулдан «Отанг қани?» деб сўрагани ва унинг жавобини ҳам кутмай «Қани, қўрага юр-чи» дегани эшитилди. Чалабой эшикдан чиққанида Мелиқул билан зоотехник Маҳмуджон Исматов қўрада уймалашиб юришарди. Маҳмуджон ҳам туни билан юриб чиққанга ўхшайди. Юзлари салқиб, кўзлари қизариб кетибди, қув-қув йўталади. У бош чўпонга кўзи тушгач:

— Қалайсизлар? — деб сўради-да, сўнг гапида давом этди.— Кеча тунда изғирин бошланиб, қор учқунлаши билан директор ҳамма мутахассисларни тўплаб, отарларга бўлиб ташлади. Туни билан яйловма-яйлов кезиб чиқдик.

Чалабой ака кўпни кўрган, тажрибали чўпон эди. Мана шундай қорли-қировли кунларда қўйларни қандай асраш кераклигини жуда яхши билади. Маҳмуджон у билан қўрага кириб, қўйларни оралаб кўрди-да, унинг ишидан кўнгли тўлди. Қўйхона тоза қилиб супурилган ва қуруқ эди. Мелиқул паншахага санчилган хашакни расамади билан охурларга солиб чиқди.

— Холиёр қаерда? — Чалабой ака Мелиқулдан сўради. Унинг овозида ўғлининг ишидан қониқиш оҳанги сезилиб турарди.

— Сув иситяпти, қўйларга сувни илитиб бермасам бўлмайди, деяпти.

Чалабой ака иккала ўғлининг ҳам ишидан мамнун эди. Чўпон деган бошқаларнинг топшириғини кутмай, ўз билгича иш қилиши керак. Чунки қўй жуда ҳам нозик бўлади. Шундай кезда озроқ бепарволик қилинса дарров касалланиб, нобуд бўлиши мумкин.

Аслида, Чалабой ака нима ишга қўл урмасин мана шу фарзандлари билан маслаҳатлашиб, гапни бир ерга қўйганидан кейингина амалга оширади. Бу йил отарини катталаштириб, қўйлар сонини 831 бошга етказганида ҳам шу ўғилларига ишонган эди. Фарзандлари ҳам ота ишончини тўла оқлашди. Қўйларни семиз қилиб боқиб, ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан қўзи олишга муваффақ бўлишди.

— Катта арава юрган йўлдан кичиги ҳам юраркан, — Чалабой Раҳимов Маҳмуджонни ўтовга бошлаб кираркан, ташқарида бошлаган гапини давом эттирди. — Мелиқул билан Холиёрга қараб, укалари ҳам қўйчивонликнинг ҳадисини олиб қолишди. Ўзингизга маълум, бизда ўғил ва қизлар 12 нафарга етди. Ҳар бирининг эса ўзига яраша орзу-ҳаваси бор.

Уй этагидаги печь устида чой биқирлай бошлади. Ташқарида эса осмон ҳамон қор эларди...

* * *

Гарчи қўйларини қўраларга қамаб, кўнгли жойига тушган бўлса ҳам, Алпомиш ўтовда ҳотиржам ўтиролмади. У дам ташқарига чиқиб, ерга оппоқ ундай ёғилаётган қор пардасига тикилар, дам узоқ-узоқларга қулоқ тутиб ниманидир эшитмоқчи бўларди. Ҳатто бир-икки марта бир чақирим наридаги Яйдоқ тепагача бориб келди.

У эрта билан ўғли Донабойни Катта адирга қўшнилардан хабар олиб келгани жўнатганди. «Бориб кел-чи, қийналиб қолишмадимикан, бирор ёрдам кераксмикан?» деб унга тайинлаганди.

Ўн-ўн икки чақирим наридаги Катта адир ширин суви, қуюқ пичани билан Абдуҳамид яйловидаги чўпонлар орасида машҳур эди. Куни кеча хўжалик дирекциясининг топшириғи билан Раҳматжон Норбўтаев 520 бош қўйини ҳайдаб, шу ерга кўчиб келганди. Ҳали дурустроқ жойлашиб улгурмасданоқ ҳавонинг авзойи бузилиб, гуппа-гуппа қор ташлаб ўтирибди. У ерда қўйнинг емиши мўллигини, Жўра Ғаффоров бошлиқ ўт ўрувчилар бригадаси куз бўйи пичаннинг сархилини ўриб, Катта адирга ғарамлаб кетганини, қўралар ҳам яхшилаб ремонт қилиб қўйилганини Алпомиш Аминов яхши биларди.

Шундай бўлса ҳам ён қўшни — жон қўшни деган гап бор. Бунинг устига Раҳматжон билан ёшликдан бирга ўсган, чўпонлик таёғини ҳам бир вақтда оталаридан қабул қилиб олиб, ҳар йили яйловга бирга кўчишарди. Боз устига икки дўст ҳар йили ҳам бир-бирини мусобақага чақириб, куч синашишни канда қилишмасди. Бу йил Алпомишнинг бахти чопиб, ҳар юз бош совлиқдан 152 тадан қўзи олиб, улоқни олиб кетди. Қўйлари ҳам кўпайиб, 667 бошга етди. Мукофотга олган 28 та қўзини хўжалик директори Турди Мамадиёровнинг ўзи кўпчиликнинг ўртасида унинг қўлини қайта-қайта қисиб топширганди. Раҳматжон Норбўтаев ўшанда дўстига тан бериб, «Гарчи сендан 12 тадан кам қўзи олган бўлсам ҳам, уларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдираман, отаримни сеникига тенглаштираман, кейин келгуси йилда кўрамиз, ким кимнинг курагини ерга теккизаркан», деганди. У сўзининг устидан чиқиб, қўйларини 520 бошга етказди. Қуш тинса тиндики, Раҳматжон билан унинг қанотига кириб қолган ўғиллари Зиёдулла ва Равшанжонлар тиним билишмади. Қўйларини яхшилаб боқиб, қишга жунидан тортса мой томадиган қилиб олиб киришди. Аммо ҳар қанча жиққа мой бўлгани билан бу қўйлар йўл юриб, Катта адирга ҳориб-чарчаб келганди. Айниқса, бўғоз совлиқларга қийин бўлди. Агар, эҳтиёт қилинмаса охири вой бўлиши ҳеч гапмас. Мана шуларни ўйлаб, Алпомиш Раҳматжоннинг ёнига Донабойни юборганди.

...Аввал узоқ-узоқлардан от туёқларининг дупирлагани эшитилди. Сўнг уст-боши оқариб, қорбобога ўхшаб қолган Донабой қор пардасини ёриб чиқиб келди. Отасининг кигиз ўтов олдида пўстинига ўралганича кутиб турганини кўрди-да, отдан енгил сакраб тушиб, уст-бошини қоққанича ичкарига кирди.

— Ҳаммаси омон-эсон, яхши жойлашиб олишибди. Салом айтишди, — деди у бозиллаб турган печкага қизариб кетган қўлларини тутаркан.

Ана шундан кейингина Алпомиш енгил тин олди...

* * *

Қишлоққа сездирмай тун кириб келди. Уйлар мўрисидан чиқаётган тутун янада қуюқлашди. Совуқ қаҳрига забтига олди. Идорада эса иш ҳамон давом этарди. Турди Мамадиёровнинг хонасида ўтиргани бўш курси топилмайди. Директор икки кун олдин яйловларга чиқиб кетган ҳамма мутахассисларни тўплаб, кўрган-кечирганларини суриштиряпти. Кишиларнинг сўзидан яйловдаги аҳвол аста-секин ойдинлаша борди. Гарчи қор қалин тушган бўлса ҳам қўйлар тўқ ва иссиқ асралмоқда эди. Иш шундай борса, бирорта мол эт ташламайди. Яхшиямки Турди Мамадиёров ёз ва кузнинг ҳар бир иссиқ кунидан иложи борича унумли фойдаланиб қолиш, бир боғлам бўлса ҳам пичанни кўпроқ йиғиб, ғарамга бостириш учун ўзига ҳам, бошқаларга ҳам қаттиққўллик қилган экан. Шу туфайли иссиқ кунларда ҳар бир отарнинг қошида битта-биттадан ғарам қад кўтарди.

Ҳа, ҳар бир тутам пичанни эҳтиёт қилиб, расамади билан сарфламаса бўлмайди. Чунки қишлов энди бошланяпти. «Йилт» этиб баҳор келгунича эса, эҳ-ҳе, яна неча кун, неча ойлар бор. Хўжалик эса Қашқадарёда энг катта ва энг сермол хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бир этаги Сурхондарёгача чўзилган Абдуҳамид яйловларида заводнинг 56 отарга бўлинган 65 мингдан кўпроқ қўйи ёйилиб юрибди. Қўзиларнинг ўзи 19 минг бошни ташкил қилади. Наслчилик заводи бу йил ҳар юз бош совлиқдан 121 тадан қўзи олиб, область хўжаликлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Ўстиришга эса планда белгиланган 11,4 минг ўрнига салкам 20 минг қўзи қолдирилиб, бирортаси чиқимга чиқарилмади. Давлатга 74 тонна жун, 22,8 минг дона юқори сифатли ҳаворанг қоракўл терилари топширилиб, план анча ошириб бажарилди. Даромад ҳам шунга яраша, яъни 2,9 миллион сўмдан кўпроқ бўлди.

Завод чорва қишловига ҳам пухта тайёргарлик билан кирди. Барча қўра ва қўтонлар ремонтдан чиқарилиб, қўйларнинг иссиқ ва тўқ қишловини таъминлаш учун ҳамма имкониятлар яратилди. Чўпонлар иссиқ кийим, озиқ-овқат билан етарли таъминландилар. Кўпчилик ўтовларга электр ўтказилди. Социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасида юксак кўрсаткичларга эришгани учун Ғузор районидаги «Ғузор» давлат наслчилик заводи яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг эсдалик Қизил байроғи ва диплом билан мукофотланди.

...Ишлаб чиқариш кенгаши ҳамон давом этарди. Яйловлардаги аҳвол, чўпонларнинг талаб ва эҳтиёжлари синчковлик билан муҳокама қилиниб, зарур тадбирлар белгиланди. Мутахассисларнинг моллар қўлда боқилаётган ҳозирги кунда ҳар бир қўйга кунига камида икки килограмм пичан ва ярим килограммдан аралаш озуқа берилиши, қўйхоналар тоза ва иссиқ сақланиши, айниқса совлиқлар алоҳида парвариш қилиниши зарур деган тавсияси чўпонлар амал қиладиган кундалик иш вазифаси қилиб қўйилди. Аёзли кунларда ҳар бир чўпонга ёрдам учун идора ходимлари, мутахассислар ва бошқа ишларда ишлаётган кишилардан қўшимча ишчи кучлари юбориш қатъий қилиб қўйилди.

...Хўжаликда қишловнинг яна бир куни ўтмоқда эди.

**М. КАРОМОВ,**
**Р. ТУРСУНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

*МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ*

# ФАБРИКА МУАММОЛАРИ

**РЕСПУБЛИКА ПАРРАНДАЧИЛИК САНОАТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Ҳеч ақл бовар қилмайди. Наҳотки, Бухоро паррандачилик фабрикасидек йирик бир хўжалик шу қадар ночор аҳволга тушиб қолса.

— Таажжубланарли ери йўқ, — сўзимизни чўрт кесди фабриканинг янги директори Саиджон Наразуллаев. — Ҳозирги аҳволимиз ҳатто сизлар ўйлагандан ҳам баттарроқ. Кўриб турибсизлар, қиш қаттиқ келяпти. Цехларимизда 611 мингдан зиёд парранда бор. Шундан 165 минг 200 таси тухумлайдиган товуқлар. Ҳар куни аҳолига ўртача 85-90 минг дона тухум, 2—2,5 тоннадан парҳез гўшт етказиб беришимиз керак. Афсус, кунлик ишлаб чиқариш графикларини бажаришнинг сира имконияти йўқ.

— Паррандахоналар қандай иситиляпти?

— Агар, — деди директор овозини пастлаб, — қандай иситаётганимизни газетага ёзадиган бўлсангиз бизни бу имкониятдан ҳам маҳрум этишлари ҳеч гапмас. Негаки, қоидага хилоф равишда цехларни газ ва электр энергияси билан баҳолиқудрат илитиб турибмиз. Тўғри, кўрилаётган бу чорамиз биринчидан узоққа бормайди, иккинчидан корхонамиз учун жуда қимматга тушади. Лекин шундан ўзга илож йўқ.

Директорнинг аянчли ҳикоясига ишонқирамай тургандик, шу пайт кабинет эшигини шахт билан очиб бош зоотехник Шавкат Давронов кириб келди. «Ўртоқ директор, — деди у нафасини аранг ростлаб, — кечирасиз, яна бир хунук хабар. Газ босими икки баравар камайиб қолди. Бунинг устига трансформатордан ишкал чиқиб, иккинчи зонадаги цехларнинг вентиляторлари ҳам тўхтади».

— Энергетикларни олиб зудлик билан трансформаторларни ишга солинг. Паррандабоқар операторларга ёрдамчилар ажратинг. Ҳозир мен газ масаласини ҳал қиламан.

Кўриниб турибдики, мавжуд камчиликни бартараф этиб, қолоқ фабрикани оёққа турғазиш, ишчилар қалбига йўл топиб катта коллективни ана шу ягона мақсад сари отлантириш — корхонани яқинда қабул қилиб иш бошлаган янги раҳбарлардан қатъийлик, принципиаллик, ташкилотчилик ва тажриба талаб этади. Аммо, фабрикадаги аҳволни чинакамига яхшилаш учун фақат директорнинг ташкилотчилиги кифоя қилмайди. Фабрика ёрдамга муҳтож. Ишдан чиққан коммунал хўжаликни, аввало, иссиқлик энергияси, сув таъминоти тармоқларини ҳамда ҳар хил чиқит ва оқавалардан тозалаш иншоотларини капитал ремонт қилиб, ишга солишда республика Паррандачилик саноати давлат комитетининг бевосита ва шошилинч ёрдами керак.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади! Наҳотки, қишловга тайёргарлик кўрилмаган. Фабрикадаги ҳақиқий аҳвол наҳотки энди маълум бўлган бўлса? Жавобгар кишилар қаёққа қарашган ва нима билан шуғулланган эканлар? Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, халқ контроли ва ревизия органлари фабрикадаги хўжасизлик, интизомсизлик ҳамда эътиборсизлик иллатларини нега ўз вақтида очиб ташлашмади?

— Фабрикамизнинг аҳволи ҳаммаға беш қўлдек аён эди, — таъкидлайди ишчилар. — Узоққа бормайлик. Ўтган йилнинг ўзида давлатга 8 миллион дона тухум кам сотилди. Фақат шунинг ўзидан кўрган зараримиз қарийб 1 миллион сўмни ташкил этади. Шарт-шароит ёмонлигидан ҳар йили ўртача 250-260 минг жўжа нормадагидан ошиқча нобуд бўляпти. Корхонамиз фойда ўрнига нуқул зарар кўриб, давлатдан қарздорлиги йилдан йилга кўпайиб боряпти. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойлик иш якунларимиз ҳам яхши эмас. Бир товуқдан пландаги 168 дона ўрнига зўрға 146 тадан тухум олдик.

Бу кўргиликлар ҳаммаси собиқ директор М. Аҳмедовнинг манманлик, ўзбилармонлик билан иш тутганлиги туфайлидир. Ишчилар неча марталаб: «Ҳой директор, кўзингизни каттароқ очинг, қуруқдан қуруқ корпусларни қаққайтариб, зўрма-зўраки жўжа боқиш билан фабрикани икки баравар кенгайтирдим, деб бекор мақтаниб юрибсиз. Қуруқ савлатига ишонманг. Паррандахона бўлгач, унга водопровод, электр энергия, ахлат тозалагич механизмлар, қишда иссиқлик, ёзда салқинлик керак. Бизда улар йўқ. Фабрика бино бўлгандан буён ахлатни коллекторга оқизиб, атроф-муҳитни ифлослантирганимиз учун тўлаган жарималаримиз бир туяга юк бўлади. Бу феълингиздан қайтинг!» — деб маслаҳат беришди. Аммо М. Аҳмедов бир вақтлар «Узптицепром»-дек йирик ташкилотга бошлиқ бўлганлигини рўкач қилиб коллектив насиҳатини назар-писанд қилмади. Оқибатда фабрикани қолоқлик ботқоғига судраб, ўзи эса мансаб курсисидан қулаб тушди.

Энди фабрикадаги ремонт ва реконструкция ишларини ўз зиммасига олган бош пудратчи — республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли «Бухараоблсельстрой» трестининг бошқарувчиси А. Маҳмудов адресига икки оғиз сўз. Трест томонидан фабрикада нимаики қурилган бўлса ҳаммаси чала, ўлда-жўлда. Фойдаланишга топширилгандан буён бир кун ҳам ёлчитиб ишламаган, ҳозир бетон ҳовузлари ўпирилиб, ускуналари занглаб, чириб ётган йирик тозалаш иншооти ҳам, цехларни иситадиган қозонхона ҳам мендан кетгунча эгасига етгунча қабилида қурилган.

Ҳозир трест қурувчилари юз мингта товуққа мўлжалланган биринчи наслли паррандачилик репродуктори комплекси қурилишини 1983 йилдан буён давом эттириб келишяпти.

— Шартнома бўйича комплексни 1985 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган эди, — дейди фабрика бош зоотехниги Ш. Давронов. — Бунинг учун 9,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш лозим. Бироқ Нутфулла Ҳусенов, Ҳалим Набиевлар прораблик қилаётган ушбу объект қурилишида шу кунга қадар зўрға 2 миллион сўмлик иш бажарилибди, холос.

Фабрикага қачон иссиқлик келади. Қачон сув йўллари тузалади? Канализация, тозалаш иншооти ишлайдими, йўқми? Бу жумбоқларни ҳал этиш вақти аллақачон келган.

**Ҳ. ҚОДИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# Чет элларда

**ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ КИТОБИ БОЛГАРИЯДА НАШР ЭТИЛИШИГА ДОИР

СОФИЯ, 21 декабрь. (ТАСС). Илгари хабар қилинганидек, Болгарияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко танланган нутқлари ва мақолалари тўплами — «Халқ билан партия якдил» номли китоб болгар тилида кўп нусхада босиб чиқарилган эди.

Бу ерда китоб билан таништириш маросимида мамлакатнинг партия ва давлат раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар.

БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Балев сўзга чиқиб К. У. Черненко асарлари тўплами БХРда нашр этилганлиги катта сиёсий воқеа эканлигини таъкидлади. Билим, тажриба, донолик ва илҳом манбаи бўлган шу китобда КПСС билан совет халқининг КПСС съездлари қарорларини бажариш борасидаги куч-ғайратлари ёрқин ва ҳар томонлама кўрсатиб берилган, совет экономикасини ривожлантиришнинг барқарор суръатлари, мамлакатнинг мудофаа қудрати мустаҳкамланаётганлиги, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси муттасил ошиб бораётганлиги, тинчлик ва хавфсизлик учун, термоядро уруши хавфини бартараф этиш учун курашда Совет Иттифоқининг роли акс эттирилган.

Бугунги мураккаб халқаро вазиятда, деди М. Балев, Совет Иттифоқи тинчликнинг бош омилидир. Тинчлик учун кураш илҳомчиси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Совет Иттифоқи жўшқин фаолиятининг марказида турибди.

Ўз ғояларининг ва тажрибасининг бойлиги жиҳатидан китоб абадий ҳамда бузилмас болгар — совет дўстлигини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади. К. У. Черненконинг болгар китобхонларига мурожаатномаси мамлакатда зўр эътибор билан кутиб олинди. Тўплам ана шу мурожаатнома билан бошланади.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ ТУГАДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Британия ҳукумати номидан СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. С. Горбачев шарафига «Ланкастер-Хаус»да якунловчи зиёфат берилди. Делегация Буюк Британия парламентининг таклифига биноан расмий визит билан бу ерда турибди.

Савдо министри П. Чэннон Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни табриклаб, Совет делегациясининг Буюк Британияга қилган расмий визитига катта аҳамият берилаётганини уқтириб ўтди.

Бу йил, деди у, Буюк Британия билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 60 йиллиги нишонланди. Шу вақт мобайнида ўзаро савдо-сотиқ муносабатлари Англия — Совет иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг асосини ташкил этиб келди.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо-сотиқ ҳажми кўнгилдагидек суръатлар билан ортиб бормаганлигидан министр таассуф билдирди. Бу йўлда биз ҳали кўп иш қилишимиз керак, деди у.

Совет делегацияси, деди М. С. Горбачев, Британия парламентининг аъзолари билан фойдали учрашувлар ўтказди. Бош министр М. Тэтчер билан батафсил суҳбатлашилди. Бизнинг визитимиз айни шу суҳбатдан бошланганини юксак қадрлаймиз. Шу кунларда иккала томон бир бири билан шунчаки танишибгина қолмай, шу билан бирга дунёда содир бўлаётган воқеалар, Совет — Англия муносабатларининг ҳолати ва истиқболлари хусусидаги фикрларни таққослаш имкониятини ҳам олдилар, деб ўйлайман.

Бир қанча масалалар хусусидаги фикрлар аввалгидек бир-биридан фарқ қилади. Айни вақтда кўпгина муҳим проблемалар хусусидаги нуқтаи назарлар бир-бирига мувофиқ ҳам келди. Ҳозирги мураккаб ва хатарли халқаро вазиятдан ялпи хавотирликни, кескинликни юмшатиш, ядро уруши хавфини тугатиш йўлларини қидириш зарурлигини англашни мен биринчи ўринга қўйган бўлур эдим.

Биз Ғарб билан Шарқ ўртасида мулоқот тарафдоримиз, музокаралар тарафдоримиз, аммо илгари бўлганидек, қурол-яроғларни, шу жумладан, ракета-ядро қуролларини кўпайтириш учун ниқоб бўлиб қолмайдиган музокараларнинг тарафдоримиз. Биз тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатларни эътиборга олиш, баб-баравар хавфсизлик принципига риоя этиш шароитида олиб бориладиган музокараларнинг тарафдоримиз.

Йўқотилган ишончни қайта тиклаш учун сўзларнинг ўзи етарли эмас, деди Совет делегациясининг бошлиғи. Совет Иттифоқидагилар буни яхши тушуниб турибдилар. Партиямиз билан давлатимизнинг раҳбари К. У. Черненко яқинда таъкидлаганидек биз «ер юзидаги сиёсий иқлимни соғломлаштириш, инсоният боши узра таҳлика солиб турган уруш хавфини даф этиш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилиб келдик ва қилаверамиз».

Яқинда Совет Иттифоқи АҚШга мурожаат этиб, ядро ва космик қуроллар юзасидан музокаралар бошлашни таклиф қилди. Бунда гап космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш масаласини ҳам, шунингдек ядро қуроллари (ҳам стратегик, ҳам ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари) масалаларини ўз ичига оладиган мутлақо янги музокаралар ҳақида бормоқда, бу масалаларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим. Стратегик вазиятнинг баттар издан чиқишига йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасининг янги даврлари олдини олиш юзасидан зудлик билан амалий чоралар кўриш зарурати мана шундай комплекс ёндашишни тақозо этди. Космик қуроллар тўғрисидаги масалани ҳал этиш объектив сабабларга кўра энг муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Биз таклиф қилаётган музокаралардаги муваффақият бу сафар АҚШнинг нақадар реалистик позицияда туришига боғлиқ бўлади. Қийинчиликларга қарамай биз келажакка умид билан боқамиз.

Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, деб таъкидлади М. С. Горбачев, иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушибгина қолмай, шу билан бирга, Европадаги вазиятни соғломлаштириш, давлатлар ўртасида кўпроқ ишонч муҳитини вужудга келтириш ишига қўшилган ҳисса бўлиб ҳам хизмат қилган бўлур эди.

Бугун М. С. Горбачев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Шотландия пойтахти Эдинбургга келди.

М. С. Горбачев Шотландия ишлари министри Ж. Янгер билан суҳбатлашди.

Шу куни делегация Эдинбургдан Москвага жўнаб кетди.

М. С. Горбачев жўнаб кетиши олдидан аэропортда матбуот учун баёнот берди, баёнотда қуйидагиларни таъкидлади: бизнинг фикримизча, биз бош министр Маргарет Тэтчер хоним билан ташқи ишлар министри Жеффри Хау, кабинетнинг бошқа аъзолари билан, сиёсий партияларнинг, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан самарали учрашувлар ўтказдик, Британиянинг бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда фирмаларида бўлдик. Ҳозирги халқаро вазиятга, Совет-Англия муносабатларига доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотни давом эттириш учун яхши замин тайёрланди, деб давом қилди у. Совет делегацияси Британия томони ҳам шу нуқтаи назарга қўшилади, деган ишонч билан жўнаб кетмоқда. Ҳозир дунёдаги мураккаб ва кескин вазиятда холис ниятни, соғлом фикрни, ақл-фаросатни, юксак масъулиятни намоён этиш, қуролланиш пойгаси ҳеч кимнинг хавфсизлигини таъминлай олмаслигини, таъминлашга қодир эмаслигини англаш айниқса муҳимдир. Турли социал-сиёсий системалардаги давлатлар ўртасидаги муносабатларни амалда тенглик асосида, бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуриш асосий вазифадир. Совет Иттифоқининг позицияси мана шундай.

М. С. Горбачев СССР Олий Совети делегацияси номидан ва шахсан ўз номидан Буюк Британия халқига тинчлик ҳамда омон-эсонлик тилаб, энг яхши истакларини билдирди.

## ХХР ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

ПЕКИН, 21 декабрь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга келди.

Аэродромда уни ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Яо Илинь, бошқа расмий кишилар, шунингдек СССРнинг ХХРдаги элчиси И. С. Шчербаков, бир қанча социалистик мамлакатларнинг ХХРдаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари кутиб олдилар.

И. В. Архипов Пекинга келгандан кейин матбуот учун баёнот берди. Баёнотда бундай дейилади:

Хитойга қилинган бу визит Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқида бизнинг сафаримизга кейинги вақтларда Совет — Хитой муносабатларида намоён бўлган ижобий тенденциялар асосида баҳо берилмоқда. Бизнингча, Совет — Хитой савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини янада ривожлантириш масалалари ХХР раҳбар намояндалари билан ўтказиладиган музокаралар ҳамда суҳбатларнинг асосий мавзуи бўлади.

СССР билан ХХР ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта-катта резервлар мавжуд эканлигига аминмиз.

Хитой Халқ Республикасига келишга таклиф этганлиги учун ХХР ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этамиз ҳамда Хитойда ўтказиладиган учрашув ва суҳбатлар фойдали бўлиб, Совет—Хитой алоқалари ва мулоқотларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид билдирамиз. СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларнинг ривожлантирилиши мамлакатларимиз халқларининг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга халқаро ҳамкорлик ва бутун дунёда тинчлик ишига ҳам мос келган бўлур эди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БУХАРЕСТ.** Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков бошчилигидаги Болгария партия-давлат делегациясининг Руминияга қилган расмий дўстлик визити тугади. Руминия билан Болгария ўртасида 1990 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликни, фан ва техниканинг бир қанча соҳаларида эса 2000 йилгача бўлган даврда ҳамкорликни ривожлантириш узоқ муддатли программаси имзоланди. Ҳужжатни Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Николае Чаушеску билан Тодор Живков имзоладилар.

● **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Бу ерда фашизмга қарши курашчилар хотираси ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталик нацизм даврида таъқиб этилган шахслар бирлашмаси — Антифашистлар союзининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Ҳафталик программасига кўра, фашистларга қарши яширинча иш олиб борган кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ жойларга экскурсиялар қилинади, виставкалар, лекциялар ташкил этилади, урушга қарши мавзудаги ҳужжатли фильмлар кўрсатилади.

● **ҚУВАЙТ.** Расмий визит билан бу ерга келган СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси А. Э. Восс бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Қувайт ахборот министрининг ўринбосари шайх Носир Муҳаммад ал-Аҳмад ал Жабир билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тилга олинди. Томонлар бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш иштиёқида эканликлари изҳор қилинди, жумладан СССР билан Қувайт ахборот агентликларининг ҳамкорлигига юксак баҳо берилди. Совет делегациясининг аъзолари Қувайт ахборот информация министрлиги, матбуот, радио ва телевидение маҳаллий органларининг фаолияти билан танишдилар.

